

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

### **ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК – РОМАШКА АПТЕЧНАЯ - Matricaria chamomilla L етиштириш технологияси**

**Шодмонова Динора Баходир қизи**

*Тошкент давлат аграр университети ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети доривор ўсимликларни йетиштириши ва қайта ишилаш технологияси таълим йўналишии 21-70 гурӯх талабаси,*

**Курбонова Нодира Нуржов қизи**

*ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети доривор ўсимликларни йетиштириши ва қайта ишилаш технологияси таълим йўналишии 21-70 гурӯх талабаси,*

**Мухиддинова Нафиса Сирожиддин қизи**

*ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультети доривор ўсимликларни йетиштириши ва қайта ишилаш технологияси таълим йўналишии 21-70 гурӯх талабаси*

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК етиштиришининг илмий асосланган усуллари бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга *Matricaria chamomilla L* нинг хомашёсини таёrlаши ва унинг сифати хамда тиббиётда қўлланишии ва кимёвий маркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган

**Калит сўзлар:** екиш, етиштириши, агротехник тадбирлар, тиббиётда қўлланилиши

**Кириш.** Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир. Мұхтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, мавжуд доридармонларнинг 60% ни доривор ўсимликлар хом ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 112 тур доривор ўсимликлар расмий табобатда фойдаланишга рухсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80% ни табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ташкил этади. Табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларнинг ҳам хомашё захираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хомашё захирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

**Ўсимликининг тарқалиши.** Ўсимлик МДҲнинг Европа қисми жанубида, Кавказ, Крим, Украина, Сибирнинг жанубий районлари ва Ўрта Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда доривор мойчечак интродукцияланган тур сифатида бир қанча фермер хўжаликлирида кўпайтирилиб, фармацевтика саноатига хом-ашё етказиб берилади.

**Агротехник тадбирлар.** Кўп йиллик тажрибалардан маълумки, мойчечак ўсимлиги ёруғликни яхши кўради, тупроқ унумдорлигига унчалик талабчан эмас, азотли ўғитларни ёқтиради, бегона ўтлар билан кучли рақобатлаша олмайди. Мойчечак уруғидан кўпаяди. Республикамиздаги тоза, 34 100 китоб тўплами бегона ўт босмаган, ўртача механик таркибли суғорма ва лалми тупроқлар мойчечак етиштириш учун мақбулдир. Мойчечак экишга

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

ажратилган майдоннинг ҳар гектарига кузда 30-40 тоннадан гўнг ёки 80кг дан суперфосфат солинади, 20-25 см чуқурлиқда шудгор қилинади. Экишнинг мақбул мавсуми куздир, шунингдек, қиши олдидан ва баҳорда ҳам экиш мумкин. Кузги экиш лалми ерларда биринчи куз ёмғиридан кейин, октябрь охири-ноябрь бошларида ўтказилади. Бундан мақсад, экинни тўпбарг ҳолатида қишидан чиқаришдир. Қиши олдидан экиш эса барқарор совуклар бошланишига, яъни ноябрь охирлари декабрь бошларига тўғри келиши лозим. Лалми ерда баҳорги экиш яхши натижа бермайди. Бироқ мойчечак ўсиб ривожланиш даври қисқалиги туфайли, суғориш шароитида ҳатто май ойининг бошларида экилганида ҳам яхшигина тўпгул ҳосили олиш мумкин. Май ойи бошларида экилганида мойчечак ўз мавсумини сентябрь охири-октябрь бошларида тутатади. Бу вақтда уруғдан униб чиқсан ниҳолларнинг айримлари гуллаши мумкин. Ўз-ўзидан кўкариб чиқсан ниҳолларнинг аксарияти қиши тўпбарг ҳолатида ўтказади, улардан келаси йили экини сифатида фойдаланилади. Айни бир далада 2-3 йил узлуксиз мойчечак этиштириш мумкин, лекин унинг асосий душмани бегона ўтлардир. Уларга қарши муентазам равишда кураш олиб бориш талаб этилади. Бегона ўт босган мойчечак майдонидан бегона ўтли хомашё олинади, асосий экин сиқилиб қолиб, ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Мойчечакнинг майда уруғлари яхши унишининг асосий омили, уруғ тушадиган тупроқ юқори қавати ҳолатидир. Бу қават нам бўлиб, уруғ униб чиққунига қадар ҳарорати 5 даражадан юқори бўлиши керак. Мойчечак сабзавот экиш мосламасида қатор оралари 50-60 см қилиб экилади. Уруғи ниҳоятда майда, уни бир текис экиш учун аввал уруғ 1/10 нисбатда қум ёки гўнгга аралаштирилади. Уруғларини шамол осонгина учириб кетади, шу сабабли уруғ сепилган ер енгилгина ғалтак машинада босиб ўтилади. Ҳар гектарига 2-2,5 кг уруғ сарфланади. Уруғ 8-10 кунда униб чиқади. Уруғ униб 2-3 та барг ҳосил бўлгач, эгат олинади. Бунда майсалар жуда майда бўлганлигидан унинг тупроқ остида қолиб кетиши мумкинлигини назарда тутиш керак. Шунингдек, ҳаво қуруқ вақтда кичик-кичик эгатлар олинади. Сугорганда экинни ювиб кетмасилиги

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

учун оҳиста жилдиратиб сув берилади. Баҳорда майса кўриниши биланоқ бегона ўтлар мотига ёки кетмонда, қатор ораларидағиси эса культиваторларда ўтаб чиқилади. Мавсумда 12 марта суғорилади ва шоҳшаббаси туташиб кетгунича ҳар 2-3 марта суғорилгандан кейин ер юмшатиб турилади. Ўсимлик ўсиб ривожланиши давомида икки марта: биринчиси майса ҳосил бўлганининг 10-15- кунларида, иккинчиси - шоналаш даврида гектарига 30-40 кг ҳисобида азот билан озиқлантирилади. Экин униб чиққанидан 30-40 кун ўтгач, гуллайди. Мойчечак тўпгуллари маҳсус ясалган темир мослама ёки мойчечак йиғгич ускуналарида йиғилади. Ҳосилни неча бор йиғиб олиш ўсимлик ҳолатига боғлиқ бўлиб, 11 мартадан то 20 мартагача етиши мумкин. Бир гектар даладаги тўпгулни йифиш бир киши учун 180 кунлик иш ҳисобланади. Мойчечак уруғи маҳсус ажратилган майдонда, уруғ тўлиқ пишиб етилган даврда саватчаларга йиғилади. Уруғнинг пишиб етилганлик даражаси - саватчасининг узунчоқ, конуссимон шаклда бўлиши билан аниқланади. Ўсимликнинг гул саватчалари пишиб етилган юқори қисми тонгда, ҳали шудринг кўтарилимасидан ўроқда ўриб олинади ва унча зичламасдан боғ-боғ қилиб брезентга жойланниб, шийпонда сақланади. Бу ерда поясини ичкарига қаратиб 2 қатор жойланади ва боғлар қизиб кетмаслиги назорат қилиб турилади. Қуриган боғлар янчилади, уруғлари турли аралашмалардан тозаланиб, совурилади ва қопларга жойланади. Уруғ икки йилгача сақланиши мумкин. Йиғиб олинган тўпгулларни тезда қуритиш учун яхши шамол айланадиган шийпонга олиб борилади. Бу ерда жавонларга ҳар бир квадрат метрга 1-1,5 кг ҳисобида ёйиб қўйилади. Хомашё етилганининг ташқи белгилари: ярим куррасимон ёки конус шаклидаги бутун ёки қисман ёрилиб тўкила бошлаган гул саватчалари, улар гулбандсиз ёки 3 см дан узун бўлмаган гулбанд қолдиғидир. Саватчалари теваракатрофдаги тилсимон ёки кўплаб ўрта найсимон гуллардан иборат бўлади. Гул ўрни тақир, майда-майда чуқурчали, ичи бўш, гуллаш аввалида ярим куррасимон, охирида конуссимон; саватча ўрами черепицасимон, кўпқаторли бўлиб, кўплаб узунчоқ, учи тўмтоқ ва чеккалари кенг барглардан

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

ташкил топган. Саватчанинг (тилсимон гуллардан ташқари) кенглиги 4-8 мм, тилсимон гуллар ранги оқ, найсимонлариники сариқ, саватча ўрами сарғишил, хушбўй, таъми ўткир. Ер устки қисми октябрь ойида ўриб олинади ва даладан олиб чиқилади. Ер устки қисми даладан олиб кетилганидан кейин эгатларда гектар ҳисобига 80 кг дан фосфор берилади ва ер юмшатилади, бунда пушталар тепасидаги уруғдан чиқсан экин келгуси йил учун сақлаб қолиниши керак. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 7-8 центнерни ташкил этади. Тавсиялар. Ўзбекистоннинг исталган ҳудудида катта плантациялар ташкил этиш ва юқори ҳосил олиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуназаров Э.Э. Интродукция и биоэкологические особенности *Valeriana officinalis* L. в условиях Ташкентского оазиса. Дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент: АН РУз. 2010.
2. Акопов И.Э. Важнейшие отечественные лекарственные растения и их применение. – Ташкент: Медицина, 1990. – с. 444.
3. Ахмедов Э.Т. *Mandragora turcomica* Mizg. Нинг Тошкент воҳаси шароитида интродукцияси.: Дис. Автореф..... биол. фан. ном. – Тошкент: Ўз РФА 2002. – б. 138.
4. Ашурметов О. А., Тўхтаев Б. Е. Доривор ўсимликлар интродукциясининг тарихи, муаммолари ва истиқболлари // Ўсимликлар интродукцияси: муаммолари ва истиқболлари: Республика илмий - конференция материаллари. . – Хива: XMA, 2003. – б. 12-15.
5. Бадалов М. М. Некоторые результаты вегетативного размножения солодки голой на засоленных землях Голодной степи // Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР – Ташкент, Фан, 1970. – с. 131-138.
6. Бадалов М. М. Развития солодки при разных сроках посадки // Сб. науч. трудов Института ботаники АН УзССР – Ташкент, Фан, 1973а.– с. 132-137.
7. Юлдашева X.T. Олива – новая культура в Узбекистане. - Волгоград,2014.

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

---

8. Дудченко Л. Г., Козьяков А. С., Кривенко В. В. Пряно-ароматические и пряно-вкусовые растения: Справочник / Отв. ред. К. М. Сытник. — К.: Наукова думка, 1989. — 304 с. — 100 000 экз. — ISBN 5-12-000483-0.
9. Ароматы и запахи в культуре: В 2 кн. / Сост. О. Б. Вайнштейн. М.: Новое лит. обозрение, 2003.
10. Всё о лекарственных растениях на ваших грядках / Под ред. Раделова С. Ю.. — СПб.: ООО «СЗКЭО», 2010. — С. 146—148. — 224 с. — ISBN 978-5-9603-0124-4.